# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2007 YIL 26 OKTYABR, JUMA 129 (7278) - сон

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan


Ўзбекистон 1991-2007 йилларда

## Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда.

**– Ҳар сафар синфга кирганимда қалбимда жўшқинлик ҳисси уйғонади, — дейди Қарши шаҳридаги 7-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Гулноза Рустамова. — Кўзлари ёниб турган жажжи болакайлар Ватаним келажаги. Касбим зиммамга юксак масъулият юклайди. Мен бундан фахрланаман.**



**СУРАТДА:** Гулноза Рустамова.

**Рихситилла Нуримбоев олган сурат.**

*Қашқадарё вилояти*

### Куннинг муҳим воқеалари

**○ Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасида ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.**

○ 23-25 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлди.

**○ Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикасининг Ахборот ва алоқа вазири Ю Ёнг Хван раҳбарлигидаги делегация аъзолари 25 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Абдулла Орипов билан учрашди.**

○ Қорақалпоғистон ҳамда Фарғона, Навоий, Бухоро, Наманган, Жиззах, Хоразм, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралдаги мажлисида Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари юзасидан жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

**○ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.**

○ Андижон шаҳрида ташкил этилган профессионал бокс кечасида ўзбекистонлик ва қирғизистонлик чарм қўлқоп усталари навбатдаги рейтинг жангларини ўтказди.

**○ Самарқанд шаҳрида "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда муаммо ва ечимлар" мавзуида республика анжумани ўтказилди.**

## Дони мўлнинг нони мўл бўлади

**- дейди Наби фермер**

**Наби ака Шофиркон туманидаги номдор фермерлардан бири. Қирқ гектар экин ери бор. Катта бўлса-да, ўзига тўқ оиланинг сардори.**

— Гарчанд оддий деҳқон фарзанди бўлсам-да, олийгоҳни тугатиб, узоқ йиллар турли раҳбарлик лавозимларида ишладим, — дейди биз билан суҳбатда фермер. — Фермерчилик ҳаракати бошлангач, туманда биринчилардан бўлиб ер эгаси бўлдим.

Мулкдор бўлиб иш бошлаган биринчи йилда ҳосилимиз чакки бўлмади. Режалар ортиғи билан бажарилди. Қарасам, манфаатдорлик бор. Аъзоларим ҳам миннатдор. Бир кунга яраб қолар, деб бозордан беш-олтита қорамол ҳам сотиб олиб қўйдим.

Шу кўйи ўз ишимдан ўзим ҳузурланиб келгуси йил ҳосили учун ғайрат камарини маҳкам боғлаб далага отландим. Меҳнатимиз натижасими ёки Яратганнинг ўзи барака таёғини далаларимизга қадаган эканми, ҳосилнинг чўғидан ўзим ҳам лол қолдим. Ўрим комбайни мавжуд ғалла майдонининг тенг ярмига келганида шартнома режаси бажарилди. Тенг ярми ўз ихтиёримизда қолди. Даламизда меҳнат қилган қуруқ қолмади. Хайрия сифатида ҳам дон улашдик. Шунда ҳам омборларимиз донга тўлиб-тошди.

Куз келиб пахта теримининг авжи палласига чиққан кунларида бўрдоқига боқилаётган ҳўкизларнинг еми тугаб қолганини айтиб, уйдагилар безовта қилишди. Уларга вақтим йўқлигини, омбордаги дондан тортиб ем қилишларини айтиб, далага отландим.

Орадан ҳафта ўтиб, кеч даладан қайтсам, дарвоза олдида раҳматли дадам важоҳат билан ўтирибдилар.

— Тинчликми, — дея ҳол-аҳвол сўрашга чоғланиб қўл узатган эдим, елкамга қўлларидаги асо билан бир туширдилар. — Хайф сенга шунча панд-насиҳатим. Уйинг донга тўлиб босар-тусарингни билмай қолибсан. Молга дон беришни қачон ва кимдан ўргандинг. Сенга айтадиган бошқа гапим йўқ. Фақат унутма, ниманики хор қилсанг, шунга зор бўласан, бола. Илоҳим, уйинг мудом донга тўлсин. Донинг бўлса, нонинг бўлади. Аммо бу ишинг дилимни ёмон оғритди, — дедилар-да, уйга кириб кетдилар. Кейин билсам, омбордаги дондан тегирмонда тортиб сўқимларга бераётган ўғлим ҳам бобосидан "ҳаққи"ни олган экан.

Бир неча кун отамнинг кўзларига тик қарай олмадим. Болаларимга шоша-пиша берган топшириғимдан ўзим ҳам пушаймон бўлдим. Ўтган йили кеч кузда эккан донимиз нари-бери режага яраша бўлди. Ортиқча озгина донни ҳам хўжалик аъзоларига иш ҳақи ҳисобига тарқатиб бердим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг уйимга бир сиқим ҳам буғдой кирита олмадим.

Тўғри, уйимизда донимиз бўлмаса ҳам оилам уриниб қолаётгани йўқ. Лекин дадам раҳматлининг айтган ўша кунги танбеҳлари бот-бот эсимга тушганда, кексаларнинг ҳақ гапни гапиришига такрор ва такрор амин бўламан.

Наби фермер суҳбат сўнгида яна бу гапларни газетага ёзиб қўймаслигимни илтимос қилиб қолдилар. Лекин эшитганларим келгусида кимгадир сабоқ бўлишини ўйлаб, уни қоғозга туширдим.

**Ҳамроз АЛИ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Бухоро вилояти*

## 2007 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ

***2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республика ҳукуматининг 2007 йил 12 февралдаги йиғилишида белгилаб берилган устувор йўналишларга мос равишда иқтисодиётни янада эркинлаштиришга ва бозор ислоҳотларини жадаллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди. Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик ва инвестициявий фаолликнинг ошиши макроиқтисодий прогноз кўрсаткичларига эришиш имконини берди ва уларнинг ҳисобот даврида барқарор ривожланиши жорий йилдаги вазифалар ижросини таъминлаш учун мустаҳкам асос яратди.***

**1. Макроиқтисодий тенденциялар**

**Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар.** Ҳисобот даврида иқтисодиёт жадал суръатлар билан ривожланди ва прогноз кўрсаткичларидан анча юқори бўлди. Ялпи ички маҳсулот 9,8 фоиз, саноат маҳсулотлари 11,9 фоиз, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 31,3 фоиз, чакана савдо айланмаси 18,4 фоиз, пуллик хизматлар 25,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 3,5 фоиз, экспорт 41,8 фоизга ўсиши таъминланди. Давлат бюджети даромадлари бўйича прогнознинг ижроси таъминланди, бу эса харажатлар бўйича кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш имконини берди.

**Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**

*(Ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан фоиз ҳисобида)*

| Кўрсаткичлар номи | 2006 йилнинг 9 ойи | 2007 йилнинг 9 ойи |
|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 107,3 | 109,8 |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми | 110,2 | 111,9 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 120,9 | 119,8 |
| Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари | 107,1 | 103,5 |
| Асосий капиталга инвестициялар | 110,0 | 131,3 |
| Қурилиш ишлари | 110,7 | 120,4 |
| Чакана савдо айланмаси | 112,2 | 118,4 |
| Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш | 116,4 | 125,2 |

Қуйидагилар иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари бўлди:

**а) хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг юқори даражадаги инвестициявий фаоллиги.** Ушбу фаоллик давлат ёрдамининг кенг кўламли иқтисодий ва ташкилий чоралари билан рағбатлантирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан инвестицияларнинг 1,36 триллион сўмга ўсишини таъминлади (31,3 фоизга ёки 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 3 баравар кўп), қурилиш пудрат ишларининг ўсиши эса 20,4 фоизни ташкил этди (2 баравар кўп).

Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмалар солиштирма нархларда 28,6 фоизга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми – 2,1 баравар, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан қўйилмалар – 33,1 фоиз, уй-жой қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобидан қўйилмалар – 11,3 фоизга ошди.

Ўтган давр мобайнида асосий саноат тармоқларини ривожлантириш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, шунингдек, ёқилғи-энергетика мажмуасини ривожлантириш дастурлари доирасида йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилди. Капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида янги қурилишлар 38 фоизни, модернизация, реконструкция ва техник қайта жиҳозлаш 49 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий инвестициялардаги салмоғи 67 фоизни ташкил этди (2006 йилда 64,1 фоиз). Ҳисобот даврида инвестицияларнинг асосий қисми транспорт ва алоқа (инвестициялар умумий ҳажмининг 23,9 фоизи), ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё ва нефть-кимё саноатига (19,9 фоиз) йўналтирилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## Хайрли тадбирларнинг учинчи босқичи

***Мана, ўн йилдирки, Ўзбекистон ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши туфайли уч босқичли "Экология ва саломатлик кунлари" ўтказиб келинмоқда.***

Ундан кўзланган асосий мақсад – аҳолига қулай яшаш шароитларини яратиш, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини, табиатга бўлган муносабатини янада яхшилашдан иборат. Шунингдек, дастурнинг яна бир муҳим йўналиши – Оролбўйи минтақаси ва бошқа экологик жиҳатдан ноқулай бўлган ҳудудлар аҳолиси ҳамда ижтимоий объектларга инсонпарварлик ёрдамини ташкил этишдан иборат.

Жорий йилда ҳам шу мақсад йўлида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурини амалга ошириш мақсадида Оролбўйи минтақаси ва бошқа ҳудудларга 16 та "Экосан" саломатлик поезди ва автопоездлари юборилиб, 800 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди. Мазкур ёрдам 11 мингдан зиёд қарияларга, 406 та ижтимоий соҳа объектлари ҳамда 7590 нафар кам таъминланган оилаларга топширилди. Шунингдек, "Экология ва саломатлик кунлари" доирасида бир қатор экологик ҳашарлар, та-

○ Экология

биатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни текшириш борасида рейдлар ўтказилди.

Мустақиллик йилларида табиатни муҳофаза қилиш, халқ саломатлигини сақлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, умуман экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилган ютуқ ва натижалар тарғиботига бағишланган "Мустақиллик, экология ва саломатлик" шиори остида экофестиваллар ўтказилди. У барча вилоят марказлари ва туманларда ташкил этилди.

"Экосан" халқаро ташкилотида "Экология ва саломатлик кунлари"нинг 2-босқичи якунлари ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги ва Конституция кунига бағишланган – 3-босқичнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган фаоллар йиғилишида ана шу ҳақда сўз борди.

Дастур доирасида, 3 ноябрь куни умумреспублика экологик ҳашари ўтказиш режалаштирилган бўлиб, ундан тушган маблағ «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурига асосан Оролбўйи ва бошқа экологик ноқулай ҳудудларга "Экосан" саломатлик поездларини ташкил этишга ишлатилади.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ**


## ОБУНА – 2008



***"Қишлоқ ҳаёти" ва унинг иловаси "Ҳаёт" газеталарини йил давомида мунтазам ўқиб боришни истайсизми? Мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган воқеалардан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб, маданий-маърифий мавзулардаги мақолалар, фалсафий фикрлар билан йўғрилган бадиий асарларни мутолаа қилишни хоҳлайсизми? Унда 2008 йил учун газеталаримизга обуна бўлишга шошилинг!***

***"Ўзбекистон почтаси", "Матбуот тарқатувчи" идоралари ва бошқа ташкилотлар обунани расмийлаштиришмоқда. Таҳририятнинг ўзида ҳамда газетанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги мухбирлари орқали шартнома асосида ҳам обуна бўлиш мумкин. 144-индекс бўйича "Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" газеталарига бир йўла, 145-индекс бўйича эса "Ҳаёт" газетасининг ўзига обуна расмийлаштирилаяпти.***


**Қарор ва ижро**

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ: ЯНГИ ҚОИДАЛАР

***Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, кейинги бир йил давомида ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан фойдаланиши тақиқланганини, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракат чоғида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилгани амалда ўз самарасини бермоқда.***

— Мазкур меъёрлар кучга кирганидан буён йўл-транспорт ҳодисалари сони камайгани яққол сезилди, — деди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бўлими бошлиғи Анвархўжа Сулаймонхўжаев. — Ўз навбатида, оғир оқибатларга олиб келувчи жароҳат олиш ҳолатлари ҳам кескин камайди. Бунда соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилгани, аниқроғи қоидабузарлик учун жавобгарлик кучайтирилгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Қонунчиликка мувофиқ, транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса, ҳайдовчига энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинади ёки у транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача маҳрум этилади. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига, шунингдек, мотоцикл ҳайдовчиларининг мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 октябрда қабул қилинган "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Қарор "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини муҳофаза қилиш мақсадида қабул қилинди. Унга мувофиқ, 2008 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўрнатилган теле ва видеомонитордан транспорт воситасини бошқариш пайтида фойдаланиш, шунингдек транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўзбошимчалик билан шундай воситаларни ўрнатиш тақиқланади.



Мазкур янги меъёр ҳам ҳайдовчининг ҳаракатланиш пайтида чалғимаслигини таъминлашга хизмат қилади. Дарҳақиқат, транспортда теле ёки видеомониторлар орқали фильм ёхуд бошқа кўнгилочар томоша намойиш қилинса, бу ҳайдовчининг диққатини ўзига тортиши табиий ҳол. Диққатнинг бўлиниши эътиборсизликни, бу эса, ўз навбатида, қоидабузарликни келтириб чиқариши шубҳасиз.

Ҳозирги кунда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари соҳага оид бундай янгиликларни, аввало, ҳайдовчилар, қолаверса аҳолига етказиш борасида изчил тарғибот ишларини олиб бормоқда.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

# "Қалб меҳри"нинг меҳри баланд

***Янги уйга кўчиб боргач, ҳовлида бир аёлнинг доимо ҳорғин, аянчли ҳолда ўтирганини кўрдим. Кейин бир куни нега бундай ўтиришини сўрадим. Қўшни аёл ана ўшанда менга сабабини айтиб берди.***

– Эрим ичкиликка ружу қўйди. Шу сабабли у билан ҳар куни жанжал қилардик. У мени кунда калтакларди. Неча марталаб ажрашмоқчи бўлдим, лекин фарзандларимни ўйладим. Мен фарзандларим учун ҳам барча азобларга чидашга мажбур эдим. Мутасаддилар эримни муросага келтиргандек, яраштириб қўяверди. Охири эрим ичкилик туфайли ногирон одамга айландию тинчиди, лекин жуда кеч, бундан эса менга фойда йўқ эди. Менинг асабларим чарчаган эканми, асаб касалига йўлиқдим. Руҳий касалхонада ҳам даволандим. Лекин мени энди барибир кечалари ваҳм босади. Хаёлимда эрим билан жанжаллашиб чиқаман.

Тўғри, эр-хотин ўртасидаги муаммоларга барҳам беришга маҳалла-кўй аралашади. Эр-хотинларга маслаҳатлар беришади. Шу саъй-ҳаракатлар туфайли оилалар яраштириб қўйилади, барбод бўлган оила тикланади.

Орамизда ўз оиласида мана шундай кўнгилсиз ҳолга тушиб қолаётганлар кам бўлса-да, бор. Шу боисдан мамлакатимизда аёл ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг камситилишига қарши курашиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун анча-мунча ишлар қилинмоқда. Гап фақат аёлларни йиғиб, тадбир ўтказиш, савол-жавоб қилиш эмас, балки амалий ёрдам кўрсатишдадир.

Ана шундай амалий ёрдам кўрсатиб, яхши натижаларга эришаётган ташкилотлардан бири Наманган вилояти ҳокимлиги қошидаги Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан БМТ ҳамкорлигида ташкил қилинган "Қалб меҳри" маркази 2006 йил сентябрдан бери фаолият юритиб келади.

– Кўпгина аёллар ҳали-ҳануз ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайдилар ва охир-оқибат энг чорасиз қолган вақтларда бизга мурожаат қилишади, – дейди марказ директори Назира Раҳимжонова. – Биргина мисол, Янгийўл маҳалласида яшовчи бир келин 7 йилдан буён онасиникида турибди. Куёв хотинидан кўнгил узолмаса-да, лекин онасининг гапи билан хотинини ҳайдаб юборган. Буларнинг муносабатини маҳалла фуқаролар йиғини ҳам ўрганиб, бирор натижага эришолмагач, бизга мурожаат қилишди. Ва бизнинг психолог, мутахассислар ҳам қонуний, ҳам диний томондан маслаҳатлар бериб, эр-хотинни яраштириб қўйди. Бу осон кечмади, албатта.

Аёллар муаммолари фақат оила бутлиги билан боғлиқми? Йўқ, уларнинг ижтимоий бандлиги, иш билан таъминланиши ҳам ҳозирги кундаги асосий муаммолардан биридир. Марказ бу борада ҳам анчагина яхши натижаларга эришган. Тадбиркорлик ишлари билан шуғулланмоқчи бўлган аёллар учун "Микрокредитбанк" томонидан ўтказилган бир кунлик тренингда 31 нафар аёлга тикувчилик, қорамол боқиш учун кредитлар олишда имкон даражасида кўмак берилган. Ҳозирги кунгача 12 нафар аёл қорамол боқиш ва тикувчилик учун имтиёзли кредит олишди, бу билан 24 нафар уй бекалари иш билан таъминландилар.

Марказ шу кунгача қанчадан-қанча оғир вазиятга тушиб қолган аёлларга руҳий, тиббий кўмак беришдан ташқари, уларнинг ҳужжатларини судга оширишда амалий ёрдам бериб, ишончли вакил ёки жамоатчи адвокат сифатида ҳам иштирок этиб келмоқда.

– Мана шу марказ аралашиб, оилам тикланди, икки фарзандини ташлаб, бошқа аёлга шаръий никоҳ билан уйланаётган турмуш ўртоғим оиламизга қайтди, – дейди Наманган тумани Зиёкор маҳалласида яшайдиган аёл.

Демак, яна бир оила тикланди, яна бир аёлнинг муаммоси ҳал бўлди. Мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам ана шундай марказлар кўпайса, аёллар муаммоларига ечим топилса, ажаб эмас. Чунки Республика Хотин-қизлар қўмитаси айнан шундай марказларни кўплаб очишни режалаштирган.

**Барно СУЛТОНОВА,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

***Наманган вилояти***

Шифобахш неъматлар

# Дўлана, дўлана...

## Тоғ зийнати дўлана



**Дўлананинг шифобахшлик бобида тутган ўрни жуда қадим замонлардан бери маълум бўлиб, уни бир қатор хасталикларни даволашда фойдаланиб келинади. Кўҳна китобларда қайд этилишича, дўлана мевалари кишига маълум миқдорда озуқалик қилади, кишини семиртиради, бақувват бўлишига ёрдам беради, меъда, жигарга ижобий таъсир кўрсатади, иштаҳа уйғотади.**

Дўланани ич кетишини қолдириш мақсадида тавсия этилади, шунингдек дўлана пешобнинг томчилаб оқишига, чакмазакка даво сифатида буюрилади. Бундан ташқари, дўлананинг шакар билан тайёрланган қайнатмаси иссиқликдан келиб чиқадиган бош оғриғини қолдирувчи восита ҳисобланган.

Халқ табобати амалиётида дўланадан кишининг силласи қуриганида, толиққанида, ақлий ҳорғинликда, уйқусизликда, юрак атрофида оғриқ бўлганида даво сифатида ишлатилган. Ҳакиму ҳозиқ Абу Али ибн Сино дўлана мевасидан ичнинг бемаврид кетишидан асровчи табиий манба сифатида фойдаланган. Буюк табиб дўланани қийнайдиган сафрони сўндириш учун ҳам тавсия этган.

Бу мева туйилиб, боғланадиган бўлса, қаттиқ шишларни латифлаштиради. Қизил дўлананинг мевалари эркакка мадад бағишлайди, ичакдан қон кетишига хотима беради, "филоёқ" деб аталмиш ўта нохуш хасталик (тиб тилида "элефантиаз" – мушакларда лимфа димланиши асоратида тери ва тери ости ёғ қавати дангарос бўлиб кетади, оёқ, ёрғоқ ва бошқа аъзолар йўғонлашиб кетади) давоси ҳисобланади.

Ундан ҳозирги замон тиббиётида ҳам фойдаланилади. Дўлананинг спиртли тиндирмаси (настойка) ва қиёми (экстракт) ангионевроз хасталикларида (қон томирларининг неврози, қон томирларининг функционал касалликлари), юрак фаолиятининг бузилиши, қон босимининг ортиши, юқумли касалликларга чалинган беморлар юрагининг қувватсизланиши, танглай муртакларининг яллиғланиши каби касалликлар билан оғриган беморларга ичишни тавсия қиладилар.

Бу мева аксарият кишиларга маълум бўлган "Кардиовален" препарати таркибига киради. Дўлана препаратлари юрак мушакларининг қисқаришини яхшилайди, унинг безовталанишини, қон таркибидаги холестеринни камайтиради. Кейинги вақтларда дўланадан тайёрланган дори-дармонлар атеросклероз (артерия деворларининг зичлашуви ҳамда эластиклигининг йўқолиб кетиши) касаллигига даво бўлиши ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, дўланадан тайёрланган дори-дармонлар сут безларининг фаолиятини яхшилайди.

Унинг бунчалик серхосият неъмат эканлиги таркибида мавжуд бўлувчи шифобахш моддалар билан белгиланади. Жумладан, дўлана меваларининг таркибида 20 фоиз қанд моддаси, 8 фоиз мой, флавоноидлар (гиперозид, кверцетин, витексин), фитостеринлар, холин, ацетилхолин, ошловчи моддалар, каротин, С белгили дармондори, органик ачиллар, кратегин моддалари, яна микроунсурлар қаторида $B_1$, $B_2$, PP, E витаминлар жо бўлган бўлади.

Дўлана меваларидан уй шароитида дори-ворлар тайёрлаш учун айни кузда ўсимлик мевалари пишганда улар банди ҳамда ёт аралашмалардан ажратилади ва қуритилади. Дўлананинг гултўпламлари ўсимлик гуллаган даврида йиғиб олиниб, салқин, ҳаво алмашиб турадиган жойларда қуритилади.

Бу неъматдан қайнатма тайёрлаш учун 20 грамм қуритилган дўланага ярим чойнакда (200 грамм) қайноқ сув солиб, суст аланга устида 15 дақиқа қайнатилади. Қайнатма шарбатини чой сифатида ичилса ҳам бўлади. Мевасидан қиём ҳам тайёрланади. Бунинг учун 25 грамм дўлана меваси 200 грамм қайноқ сув билан қайнатилиб, қуюлтирилади. Қиёмсимон моддадан кунига 3 маҳал овқатдан сўнг 40 томчидан ичилади.

Дўлана гулларидан қайнатма тайёрлаш учун 2 ош қошиқ қуритилган дўлана устига бир стакан миқдорида қайноқ сув солиниб, енгил аланга устида 10 дақиқа қайнатилади. Қайнатма совугач, докада сузилиб, ош қошиқда кунига уч марта ичилади.

Ҳа, дўланани бекорга тоғлар зийнати, демайдилар. Бу серхосият дарахтларни асраб, неъматидан баҳраманд бўлайлик.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**

# Хазонларни нега ёқамиз?

МУЛОҲАЗА

***Ўзини Ғани ота деб таништирган, ёши етмишларга бориб қолган отахон борар манзилини сўраб, бир мунча вақт менга шерик бўлди.***

Отахоннинг кўркам бинолар, чиройли хиёбонларга боқиб кўзи қувнашидан менинг ҳам кайфиятим кўтарилиб кетди. Аммо бир манзарани кўрганимизда иккимизнинг ҳам кўнглимизга хижиллик оралади.

Бунда ҳар жой, ҳар жойда уюм-уюм хазонлар тутаб ёниб ётар, куйган баргнинг ачимсиқ тутунидан кўзинг ёшланиши турган гап эди.

– Бу нодонликни кўрмайсанми? Одам ҳам ўзига-ўзи шундай душманлик қиладими? Тутаб ётган баргнинг тургани-битгани заҳар-ку! Буни ёқиб юбориш ўрнига чуқур кавлаб кўмиб қўйса бўлади. Жуда бўлмаганда ариққа йиғиб, уюм қилиб қўйсин. Ҳавони заҳарга тўлдириб тутатиши нимаси?! Яна, шундай шаҳарнинг кўркини бузади. Ачимсиқ тутундан бошинг айланади. Илгарилари ҳар бир уйда ўрага ўхшаш чуқурчалар қазиб қўйилган. Ёш болалигимизда бунинг маънисига етмаганмиз. Кейин билсак, бу ўралар хазон ташлаш учун қазиларкан. Ҳар куз тўкилган барглар шу ўраларга тўпланиб, чиритилган. Барг чириндиси ерга кони фойда, болам агар билсанг. Ҳозир бўлса озгина меҳнатдан қочиб, хазонни тўплаб ёқишга тушишади. Бу кўрган кўзга ҳам хунук, ҳавога ҳам ёмон таъсири бор, одамлар касал орттиради. Бундан кимга фойдаю кимга зиён, ахир?

Ҳа, отахон бекорга хуноб бўлмаётганди. Ахир ёнаётган хазон тутунидан атмосферага заҳарли газларнинг ажралиб чиқиши, охир-оқибатда ўз қилмишимиз ўзимизга минг чандон зиён бўлиб қайтиши кундай равшан-ку! Бу ҳолнинг оқибатини биламизу била туриб ўз йўриғимизча иш тутаверамиз.



Маълумотларга кўра, ҳавога чиқарилаётган бундай заҳарли газларнинг меъёридан ошиб кетиши натижасида бронхиал астма, аллергия, юқори нафас йўллари касалликлари сони ортар экан. Бу, айниқса, хазонрезги даврида авж олиши кузатилган.

Гоҳида ёнаётган хазоннинг аччиқ тутуни орасида ўйин билан машғул болаларни учратиб қоламиз. Буни кўрамизу болада, унга қизиқ ўйнайверсин, дея бефарқ ўтиб кетаверамиз. Тўғри, у бола, аммо биз катталар нега бу ҳолатга бефарқ бўлишимиз керак?

Тутаётган уюмлар боламиз учун ўйиндир, лекин шу вақтнинг ичида у қанча заҳар ютаётганини қаёқдан билсин?

Одамзод борки, ҳар доим осон йўлни танлашга шошилади. Саранжом-саришталикнинг ҳам осон йўлини қидириб, хазон уюмига олов ёқамиз. Сўнгра кунлаб бурқсиб тутаётган тутунли ҳаводан ўзимиз ютамиз, қўни-қўшнимиз, болаларимиз нафас олишади. Кўр-кўрона қилган хатоимизнинг ачимсиқ тутуни эса биз билан бирга ишхонага, ошхонага, боғчага "кириб" боради. Оқибатда, ён-атрофимизда кўзга кўринмас касалликлар авж олаверади. Хўш, энди ўзингиз ўйланг, содда отахон айтганларидай бундан кимга фойдаю кимга зиён?

**Орзугул РУСТАМОВА,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



# СПОРТ

Футбол

## Таркиб эълон қилинди

**Яна икки кундан кейин футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси "ЖЧ – 2010" доирасидаги саралаш ўйинини сафарда Хитой Тайпейига қарши ўтказади. Мазкур баҳс жамоаларнинг жавоб учрашуви ҳисобланади.**



Тошкентда ўтган ўйинда Рауф Инилеев жамоаси амалда кейинги босқич масаласини ҳал қилиб улгурган. Рақиб дарвозасини 9 бор аниқ нишонга олган футболчиларимиз эртанги ўйинда яна ғалаба қозонади, деб умид қиламиз. Мураббий бўлажак баҳсда қатнашадиган ўйинчилар рўйхатини эълон қилди. 18 та футболчидан ташкил топган рўйхатдан Муборакнинг "Машъал" клуби ўйинчилари ҳисобланган Виктор Клишин ва Ҳамза Каримов ҳам ўрин олган. Анча вақтдан буён терма йиғинларига жалб этилмай қолган "пахтакор"чи Анвар Солиев ҳам Инилеевнинг рўйхатига киритилган.

Тўлиқ таркиб қуйидагича кўриниш олган: Дарвозабонлар: Игнатий Нестеров, Тимур Жўраев; Ҳимоячилар: Ислом Иномов, Анвар Ғофуров, Ҳайрулла Каримов, Илҳом Суюнов, Бахтиёр Ашурматов, Камолиддин Тожиев; Ярим ҳимоячилар: Тимур Копадзе, Одил Аҳмедов, Сервер Жепаров, Виктор Карпенко, Азиз Ҳайдаров, Ҳамза Каримов; Ҳужумчилар: Павел Соломин, Виктор Клишин, Шавкат Саломов, Анвар Солиев.

Академик эшкак эшиш

## Бронза билан қайтишди

**Жанубий Кореяда академик эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Мазкур спорт тури юртимизда энди ривожланиб бораётган турлардан бири ҳисобланади.**

Шундай бўлса-да, ҳамюртларимиз бу каби мусобақаларда фаворитлар қаторида эътироф этилади. Оғир эшкаклар пойгасида икки кишилик гуруҳ – Дамир Наурзалиев ва Владимир Черненко жуфтлиги маррага учинчи бўлиб етиб келишди. Бундай кўрсаткич эвазига улар бронза медали билан тақдирланишди. Афсуски, юртдошларимиз бошқа медалларни қўлга киритишолмади.



Енгил эшкаклар мусобақасида Севара ва Зарина Ғаниевалар ҳамда Дамир Наурзалиев ва Артем Кудряшов бешинчи ўрин билан кифояланишди.

**Сешанба ва чоршанба оқшомида Европа Чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Тур бир қанча кутилмаган натижалар ва голларга бой бўлди.**

## "Ливерпуль" сўнгги ўринда



Айниқса, Англиянинг "Ливерпуль" жамоаси кўрсатаётган салбий ўйинлар футбол мутахассислари билан бирга мухлисларни ҳам ҳайрон қолдиряпти. Рафаэль Бенитес шогирдлари "А" гуруҳида сўнгги ўриндан жой олган. Бунга Туркиядаги мағлубият сабаб бўлди. "Бешиктош" жамоаси ўз майдонида 2006-2007 йилги Чемпионлар лигаси финалчисини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида зафар қучди.

Мусобақада иштирок этаётган МДҲ вакиллари – "Динамо", "Шахтёр" ва ЦСКА жамоалари ҳам ўз мухлисларини хафа қилди. Максим Шацких клуби "Манчестер Юнайтед"га 2:4 ҳисобида ютқазган бўлса, Украинанинг бошқа жамоаси "Шахтёр" "Милан" майдонидан мағлуб бўлиб қайтди – 1:4. ЦСКА ўз майдонида Италия чемпиони "Интер"нинг ғалаба қозонишига тўсқинлик қилолмади. Креспо ва Самуэлнинг голлари "Интер"га уч очко келтирди. Ҳисоб – 1:2.

**Сунатилла ИСЛОМОВ**

# Адирда яралган боғ

Ибрат

***Инсон қўли гул, деб бежиз айтишмаган. Меҳнат фахрийларининг саъй-ҳаракати билан Фарғона тумани Чимён қишлоғи теварак-атрофидаги яйдоқ ва кимсасиз адирлар ўзлаштирилиб, мевали боғ яратилганлиги бунга яна бир далил бўла олади. Ана шу эзгу ишга узоқ йиллар давомида ёшларга таълим-тарбия беришда ўзига хос мактаб яратган Каримжон Камолов бош-қош бўлди.***

У нафақага чиққач, ўзини уринтирмай тинчгина юриши мумкин эди. Лекин Каримжон ака буни ўзига эп кўрмади. Ҳар сафар ўғли ишлаётган "Энергетик" оромгоҳига бориб, қайтаётганида теварак-атрофдаги сувсизликдан қақраб ётган адирларга назар ташлар, унумдор ернинг умри ўтаётганлигидан кўнгли хижил тортарди. Мана шу ўй-фикрларини бир куни сафдошлари – меҳнат фахрийларига айтиб, "Сув чиқариб, боғ бунёд этсак бўлмасмикан?" деган таклифни ўртага ташлади. Орифжон Зокиров ва бошқа қадрдонлари унинг фикрини қўллаб-қувватлашди. Отахонлар енг шимариб ишни бошлаб юборишди. Уларнинг фарзандлари, қишлоқ жамоатчилиги ҳам қараб туришмади.

Фахрийлар ташаббуси туфайли катта ҳудудда мевали боғ вужудга келди. Мана, бир неча йилдирки, олма, ўрик, бодом, беҳи, анор, ёнғоқ ва бошқа ноз-неъматлар етиштирилаётган ана шу боғ меваларидан Чимён қишлоғи, қолаверса, теварак-атрофдаги саноат шаҳарлари аҳолиси ҳам баҳраманд бўлмоқда.

**Абдурашид НОРМУҲАМЕДОВ**

***Фарғона вилояти***

Давлат патентларига эга "AVTOTRAK"® корхонаси

ЗИЛ..., ГАЗ-52,53..., ПАЗ...,КАВЗ автомобилларига дизеллар ўрнатади ва тегишли ҳужжатлар беради

Автомобилларга ўрнатиладиган ҳолатда таъмирланган Д-243 (МТЗ) Д-144 (Т-28) ДИЗЕЛЛАР ВА

А-01 ("Алтай"), ЮМЗ, "Камминз" (ТТЗ-100), "Авиа" дизелларига БЛОК, ВАЛ, АППАРАТЛАР, "ИКАРУС", "МОРАЛ" ПЛУНЖЕРЛАРИ, РАСПИЛИТЕЛЛАРИ СОТАДИ.

Вилоятлардан электр-газ пайвандловчилар, мотористлар, автослесарлар, ҳудудларда иш ташкил этувчи вакилларни ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Манзилимиз: Тошкент ш., Қорасув-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мўлжал: ТЭА-, "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21,49, "Обл. ГАИ" бекати.

Телефонлар: 159-48-00. Кечқурун 112-90-43

Хизматлар лицензияга эга

Автотранспорт – кредит ва лизингга!



6 ўринли, 1,5 тонна юк кўтарувчи, "ГАЗ-330232–Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-31105"

"ГАЗ-3202" русумли тентли юк машинаси

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ – AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина

"ГАЗ-3309" русумли нон ташиш машинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сиғимли сут ташиш машинаси

"ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

Ўқинг, қизиқ

## Молюсканинг қизиқ хусусияти

***Атлантика, Тинч ҳамда Ҳинд океанларида Тридакна деган улкан молюскалар яшайди. Уларнинг қизиқ хусусияти бор.***

Гап шундаки, улар ўзларига ўзлари овқат тайёрлайдилар. Қандай қилиб дейсизми? Жуда оддий: Тридакна мантияси ичида, яъни чиғаноқ ясайдиган ҳамда баданини қоплаб турган тери бурамасида молюска истеъмол қиладиган сув ўти ўсади. Мана шу ўт жониворнинг қорнини тўйғазади.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**

. Тошкент Ирригация ва мелиорация институти жамоаси ахборот технологиялари кафедраси доценти Шароф Бобоназаровга падари бузруквори **Пўлат БОБОНАЗАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ўктам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-54-44, 133-28-04, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-12-17, 223-57-53; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий – 224-69-08; Наманган – 412-34-23; Фарғона – 224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сурхондарё – 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 726-35-81; Қашқадарё – 227-65-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
Ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-917, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 24.00
Адади - 13220

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6